



691

5 у.р. "29" июни

№ 888-К Самарқанд т-р Самарқанд

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида “SAMARKAND FARIZA NUR” оилавий корхонасига автобус бекати ва сартарошхона қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“SAMARKAND FARIZA NUR” оилавий корхонаси туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида автобус бекати ва сартарошхона қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “SAMARKAND FARIZA NUR” оилавий корхонасига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласи ҳудудидан автобус бекати қуриш учун 24 м.кв. ва сартарошхона қуриш 16 м.кв. жами 40 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман таъхира ерлари ҳисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. “SAMARKAND FARIZA NUR” оилавий корхонасига автобус бекати ва сартарошхонани қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров